




O'ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



INSTITUTE OF GENETICS AND PLANT EXPERIMENTAL BIOLOGY · UZBEKISTAN



BIOLOGIYANING JAMIYATDAGI AHAMIYATI

20-21 sentabr 2024

Toshkent



genetika.uz

“Biologiyaning jamiyatdagi ahamiyati”

“Biologiyaning jamiyatdagi ahamiyati”

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
GENETIKA VA O‘SIMLIKLAR EKSPERIMENTAL
BIOLOGIYASI INSTITUTI**



O‘ZBEKISTON
FANLAR AKADEMIYASI



INSTITUTE OF GENETICS AND PLANT EXPERIMENTAL BIOLOGY - UZBEKISTAN

**BIOLOGIYANING JAMIYATDAGI
AHAMIYATI**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI
TO‘PLAMI**

2024 yil 20-21 sentabr

Toshkent-2024

ўртача ижобий корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Тадқиқотлар асосида тола узунлигининг тола чиқими ва бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича ижобий коррелятив боғлиқлиги бўлган F₄T-588/16x Жаркўрғон, F₄T-58/16 x Жаркўрғон, F₄T-138/16 x Жаркўрғон дурагайлари қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда қимматли донорлар бўлиб хизмат қилиши тадқиқотларда ўз тасдиқини топди.

Фойдаланган адабиётлар

1. Djaboutou M, Sinha M, Houedjissin S et al. Variability and heritability of morphological traits in collection of cotton genotypes (*Gossypium hirsutum* L.) and their potential use for the selection. Eur Sci J. 2017;13: 385-394-p.
2. Erande C.S, Kalpande H.V, Deosarkar D.B, Chavan S.K, Patil V.S, Deshmukh J.D, Chinchane V.N, Kumar A, Dey U, Puttawar M.R. Genetic variability, correlation and path analysis among different traits in desi cotton (*Gossypium arboreum* L.). African Journal of Agriculture Research, v.9, p.2278-2286, 2014.
3. Tulasi J, Murthy J.S, Rani Y.A. Correlation analysis in American cotton. Electronic Journal of Plant Breeding. 2012.-№.4 - P.1005-1008.
4. Бегимқулов Б, Ибрагимов П, Ғўзанинг узоқ F₃-F₅ авлодларида морфохўжалик белгилари бўйича корреляцияси// Агро илм 1[21]сон, 2012. 11-б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М.

ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Бутун дунёда пахта табиий толаси туфайли асосий экинлардан бири ҳисобланади. Пахта, айниқса, бир қанча ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига, шунингдек, бутун дунё бўйлаб миллионлаб қишлоқ хўжалиқларининг турмуш тарзига катта ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, пахта тармоғи бутун дунё бўйлаб қарийб 150 миллион кишини иш билан таъминлаб, уни муҳим даромад манбаига айлантиради (K.Jabran et al., 2019). Ғўза экини ўтган ва ҳозирги замонда ҳам тўқимачилик саноати учун табиий тола берувчи энг муҳим ва машҳур экинлардан бири ҳисобланади (Т.Актер et al., 2019).

Халқаро пахта бозорида ингичка толали *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза навларининг толаси ўрта толали навлар толасига нисбатан қиммат баҳоланади. Бу типдаги бир тонна толадан бир неча марта кўпроқ газлама йигирилади ва нархи ҳам юқори туради. Толаси V типга кирувчи ўрта толали навларнинг толасидан 8620 м² газлама тайёрланса, толаси I типга кирувчи ингичка толали навларнинг 1 тонна

“Biologiyaning jamiyatdagi ahamiyati”

толасидан 15510 м² газлама тайёрланади (<http://tadbirkor-fermer.uz/ingichka-tolali-uza-ustirish/>).

Бугунги кунга келиб пахта етиштирувчи мамлакатларда, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам бозордаги талаб даражаси ўзгаришига ва бошқа шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ғўза экин майдонлари қисқартирилди. Республикамизда 1987 йилда 204 минг гектар ерга ингичка толали ғўза навлари экилиб, ялпи ҳосил 587 минг тоннани ташкил қилган. Республикамиз бу ғўза навларини етиштириш бўйича дунёда Мисрдан кейин иккинчи ўринда турган (М.И.Иксанов, 2009). Жаҳон бозорида ингичка толали ғўза навлари маҳсулоти қимматли баҳоланишини ҳисобга олиб уни экин майдони кенгайтириш зарурдир. Афсуски, республикамизда ҳали Миср навлари билан тенглаша олувчи, биринчи тип тола берадиган навлар жорий қилинмаган. Шуни ҳисобга олиб тола сифати ва ҳосили юқори бўлган навлар яратиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш зарур. Ҳозирги кунда тола сифати юқори, серҳосил, эртапишар, шўрхоклик ва қурғоқчиликка бардошли, ҳашарот ва касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш мамлакатимиз ғўза селекцияси дастурининг бош мақсади ҳисобланади.

ЎзР ВМ нинг 2020 йил 30 январдаги 47-сонли “Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори кўра, республикамизнинг 4 та жанубий вилоятида ингичка толали ғўза навларининг майдонини 52000 гектарга етказиш белгиланган эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 июлда тасдиқланган № 03/1-1744 сонли “Республиканинг жанубий минтақаларида тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўзанинг янги ингичка толали навларини яратиш ва мавжуд маҳаллий навларининг бирламчи уруғларини жадал кўпайтириш бўйича чора тадбирлар дастури” топшириғида эса I А, I Б, I ва II тип талабига мос ингичка толали ғўза навларини яратиш ҳамда мавжуд маҳаллий ғўза навларининг уруғчилиғни ташкил этиш вазифаси қўйилган. Бу вазифани ҳал қилиш учун янги ирсиятга эга ингичка толали ғўза тизмаларини яратиш, энг яхши тизмаларни нав даражасида такомиллаштириб бориш, Давлат нав синовида синалаётган ингичка толали ғўза навларининг уруғлик материални тайёрлаб бориш, янги ирсий асосга эга тизмаларнинг қимматли-хўжалик белгилари кўрсаткичларини андоза нав билан қиёсий баҳолаш, ғўза генофондидаги ингичка толали хорижий навнамуналарини ва мавжуд коллекцион манбаларни ўрганиб, селекция қимматли янги бошланғич ашёлар яратиш лозимдир.

Тадқиқотларимизда навларо дурагайлашдан олинган тизмаларнинг морфо-хўжалик белгилари ўрганилди. Ингичка толали ғўзанинг турли генетик асосга эга, яъни

генеологик келиб чиқиши турлича бўлган маҳаллий Сурхон-9, Сурхон-10, Термиз-32, Бухоро-7 ва Дуру-гавхар навларини ўзаро чапиштириш ва дурагай авлодларида танлов олиб бориш асосида яратилган Т-449, Т-450, Т-451, Т-452, Т-453, Т- 479, Т- 480, Т- 481, Т-536, Т- 537, Т-563, Т-564, Т-596, Т-631, Т-632, Т-634, Т- 663, Т-669, Т-735 ва Т-736 тизмалари тажрибаларимизда учта қайтариқда рендомизация усулини қўллаган ҳолда экилди. Тажиба жараёнида зарурий агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли олиб борилди.

Битта кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича андоза Сурхон 14 навиники (3,60±0,18 г.) га нисбатан юқори кўрсаткичлар барча ингичка толали тизмаларда қайд этилди. Фақатгина Т-453 тизмаси андоза навга нисбатан паст кўрсаткични (3,5 г.) намоён қилди. Битта кўсақдаги пахта оғирлиги 4,0-4,2 г. бўлган кўрсаткичлар Т-479, Т-563, Т-564, Т-632, Т-669 ва Т-735 тизмаларида қайд этилди.

Ингичка толали ғўза тизмаларининг ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича юқори кўрсаткичлар Л-563, Л-596, Л-452, Л-736, Л-450 ва Л-453 тизмаларида қайд этилиб, мос равишда 55,3 г., 55,0 г., 54,8 г., 54,3 г., 52,1 г. ва 51,4 г. ни ташкил этди. Л-481, Л-537, Л-632, Л-449 ва Л-564 тизмаларида эса мос равишда 49,2 г., 48,8 г., 48,5 г., 48,4 г. ва 48,2 г. бўлди. Тадқиқотимиз натижаларидан кўриниб турибдики, Л-563, Л-596 ва Л-452 тизмаларидан ингичка толали ғўзанинг ҳосилдор навларини яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида устозлар билан ҳаммуаллифлигимизда яратилган ингичка толали “Ғузор” ғўза нави 26.04.2024 йилда NAP 00462-рақамли патент олинган. “Ғузор” нави 2024 йилда Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Нукрабод фэйз” фермер хўжалигида 0,5 гектар, Нишон тумани “Жовлиев Абдурауп” фермер хўжалигида 1 гектар, Косон туманида 1 гектар, Миришкор туманидаги “Индорама агро” МЧЖ Х\К кластер даласида 100 гектарга жорий этилди ва ҳозирги кунда парваришланмоқда.

Ғузор навининг морфоҳўжалик тавсифи қуйидагича:

Пояси яшил рангли, ётиб қолмайди. Пояси цилиндрик шаклда, 0-типдаги шохланишга эга, баъзида кучсиз ривожланган ўсув шохига эга. Биринчи ҳосил шохлари 4 бўғимда шаклланади. Гуллари ва гулёнбарглари ўртача катталиқда, гулининг асосида антоциан доғ бор. Чанглари тўқ сариқ рангда. Барглари - панжасимон-қайчисимон, 3-5 бўлакли, яшил рангда, ўрта бўлаги узунчоқ. Кўсақлари яшил рангда, овал шаклида, ўртача катталиқда, ўткир тумшукли, 3-4 чаноқли. Кўсақлари яхши очилади, пахтаси тўкилиб кетмайди.

“Biologiyaning jamiyatdagi ahamiyati”

1000 дона чигит вазни 125-130 г. бўлиб, чигитлари ўргача катталиқда, тухумсимон, халаза ва микропиляр қисмида туклари бор. Нав вилтга, зараркунундалар (ўргимчаккана, кўсак курти)га юқори чидамли, қурғоқчиликка чидамли, кўсаклари жадал очилиш хусусиятига эга. Битта кўсакдаги пахтасининг вазни 3,8-4,0г ва ундан ортиқ, тола чиқими 35 %, толасининг штапель узунлиги 38мм ва ундан ортиқ, тола индекси 6,6 г., ўсимлик бўйи 110-120 см, ўсув даври 120-125 кун, толаси I-типга мансуб, микронейри 3,9. Бу навни республикамизнинг нафақат жанубий вилоятларида, балки ўрта ҳудудлардаги пахтачилик-тўқимачилик агрокластерларида ҳам экиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.01.2020 йилдаги “Ингичка толали пахта навлари етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида”ги 47-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 июлдаги №03/1-1744 сонли “Республиканинг жанубий минтақаларида тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўзанинг ингичка толали навларини яратиш ва мавжуд маҳаллий навларнинг бирламчи уруғларини жадал кўпайтириш бўйича чора тадбирлар дастури” бўйича топшириқлари.
3. Иксанов М.И. Потенциал республики Узбекистан в производстве тонковолокнистого хлопка. //Ўза, беда селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами (Г.С.Зайцев таваллудининг 120 йиллиги, А.Д.Дадабоев, Л.Г.Арутюнова ва Г.Я.Губановларнинг таваллудининг 100 йиллигига бағишланади).Тошкент, Фан, 2009. –Б. 257-260.
4. Akter, T., Islam, A.K.M. A., Rasul, M. G., Kundu, S., Khalequzzaman and JAhmed J.U. (2019). Evaluation of genetic diversity in short duration cotton (*Gossypium hirsutum* L.). // Journal Cotton Research, 2019, 5(8). -P.500-505.
5. Jabran K, Ul-Allah S, Chauhan BS. et al. An introduction to global production trends and uses, history and evolution, and genetic and biotechnological improvements in cotton. // Cotton prod. Wiley Online; 2019.-P. 1-22. [https:// doi. org/ 10.1002/ 9781119385 523. ch1](https://doi.org/10.1002/9781119385523.ch1).
6. (<http://tadbirkor-fermer.uz/ingichka-tolali-uza-ustirish/>).

YULDASHOV O‘X., MATNIYAZOVA H.X. NABIEV S.M. SUV BILAN TURLICHA TA‘MINLANGANLIK VA SHO‘RLANGAN SHAROITLARIDA RANGLI TOLALI G‘O‘ZA NAMUNALARI BARGLARIDAGI PEROKSIDAZA FERMENTINING FAOLLIGI.....	129
КОЗУБАЕВ Ш. С.ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ҲОЛАТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР	132
КУЛДОШОВА К.М., НАВРУЗОВ С.Б., А.М. АНОРОВА, ҲАШИМОВА Н.Р., БАБАЕВА Д.Т., АХУНОВ А.А. ГИПЕРТЕРМИЯ ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИ НИҲОЛЛАРИДАГИ ХЛОРОФИЛ МИҚДОРИНING ЎЗГАРИШИ	137
МАТЯКУБОВ С. К. СОДИҚОВА О. Х., НАМАЗОВ Ш. Э., ЭРГАШЕВ А.Ш. АҲМЕДОВ Ғ.Б., RUSTAMOVA D.X. ҒЎЗАНING КОМПОЗИТ ДУРАГАЙЛАШ ОРҚАЛИ ОЛИНГАН СЕЛЕКЦИОН АШЁЛАРИДА БИТТА КЎСАК ВАЗНИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ.	139
НАБИЕВ С.М., АЗИМОВ А. А., ХАМДУЛЛАЕВ Ш.А., ШАВКИЕВ Ж.Ш. МАТНИЯЗОВА Х.Х. КОРРЕЛЯЦИИ МОРФО-ФИЗИОЛОГИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ У ГИБРИДОВ F₁ СРЕДНЕВОЛОКНИСТЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА И НАСЛЕДОВАНИЕ ПРИЗНАКА ПРОДУКТИВНОСТИ РАСТЕНИЙ	143
СОДИҚОВА О. Х., НАМАЗОВ Ш. Э., МАТЯКУБОВ С. К., ЭРГАШЕВ А. Ш. F₃-F₄ ДУРАГАЙЛАРИДА АЙРИМ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ КОРРЕЛЯЦИЯСИ.....	148
ЧОРШАНБИЕВ Н.Э., НАБИЕВ С.М. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	151
ШАВҚИЕВ Ж.Ш., ХАМДУЛЛАЕВ Ш. А., АЗИМОВ А.А., АБДУРАСУЛОВ Ф.Ш., МАМАРАСУЛОВ Ў.З. ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА ФИЗИОЛОГИК ВА МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗARO КОРРЕЛЯЦИЯСИ.....	155
ШАВҚИЕВ Ж.Ш., ХАМДУЛЛАЕВ Ш. А., АЗИМОВ А.А., МАМАРАСУЛОВ Ў.З., АБДУРАСУЛОВ Ф.Ш. СУВ БИЛАН ТУРЛИЧА ТА‘МИНЛАНГАНЛИК ШАРОИТЛАРИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ ЎСИМЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИ, УНИНГ F₁ ДУРАГАЙЛАРИДА ИРСИЙЛАНИШИ ВА ГЕТЕРОЗИС САМАРАСИ.....	156
IV BOB. HAYVONLAR VA O‘SIMLIKLAR BIOLOGIK XILMA-XILLIGINI O‘RGANISHDAGI MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR	160
MAHMUDOVA M.O‘., NIKITINA E.V. AN OVERVIEW OF THE GENUS <i>RHEUM</i> L. OF UZBEKISTAN.....	160
MO‘MINOV H.A. G‘O‘ZANING AFRO-OSIYO VA HINDI-XITOIY TURLARI RUDERAL, TROPİK VAKILLARINI VEGETATSIYA DAVRI DAVOMIYLIGI BELGISINING IRSIYLANISHI.....	162
MO‘MINOV H.A. <i>G.HERBACEUM</i> L. TURINING AYRIM EKO-GEOGRAFIK GURUX VAKILLARI ISHTIROKIDA OLINGAN F₁-O‘SIMLIKLARIDA CHANG DONACHALARI HAYOTCHANLIGI.....	165
QUVATOV A.Q. UGOM-CHOTQOL MILLIY TABIAT BOG‘I HUDUDIDA JOYLASHGAN PSKOM DARYOSI SUV RESURLARI HOLATIGA ANTROPOGEN OMILLARNING TA‘SIRI.....	168
TAJETDINOVA D.M. FLORANI O‘RGANISHDA TO‘R TIZIMLI XARITALASH NATIJALARI (BRASSICACEAE OILASI TURLARI MISOLIDA)	172